# Жорий тамирлашга оид шартнома № 22

Пайарик тумани (контракт тузилган жой) «15 » ноябр 2022 й.

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Пайарик тиббиёт коллежи номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Ш.Пазов бир томондан ва бундан буён "ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ" деб аталувчи «Шухрат Курувучи Нур» ХК номидан низоми асосида фаолият олиб борувчи Б.Носиров бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўгрисида туздилар.

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича "Буюртмачи" хизматларни кабул килиш ва тўлаш, "Хизмат кўрсатувчи" эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича куйидаги хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади:

| № | Хизматлар номи | Улчов бирлиги | Контракт нархи | Контрактнинг умумий киймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Пайарик тиббиёт коллежи биносини жорий тамирлаш | 1 | 450 000 000 | 450 000 000 |
| | ЖАМИ: | | | 450 000 000 |

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 450 000 000 (Турт юз эллик миллион) сўмни ташкил килади (ККС билан).Шундан ККС 58 695 652.17 сумни ташкил килдаи

Алохида шартлар

| | |
|---|---|
| 1 | Ишни топширищ муддати 30 кун |
| 2 | Сифатли тамирлаш шарти билан |
| 3 | Олдиндан 30% утказилади |

## 2. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни газначилик органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30% микдорида ( шартнома суммасидан 30% микдорида ) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. колган 70% ни кўрсатилган хизматлар тўгрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида кабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тулайди.

2.2. Контракт нархи тамирлаш ишлари бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга кўшимча келишув тузиладиган холлар бундан мустасно.

2.3. Хизмат кўрсатиш якунлангандан кейин "Хизмат кўрсатувчи", "Буюртмачига" бажарилган ишларни кабул килиш-топшириш далолатномасини таклим этади.

2.4. "Буюртмачи" далолатнома ва унга илова килинган бошка хужжатларни олгандан кейин 3 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни кабул килишни асосли равишда рад килиш хатини "Хизмат кўрсатувчига"га юборади.

2.5. Рад килинган холатда, кўрсатилган хизматларни кабул килишни асосли равишда рад килишни юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

## 3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва контракт талаблари ва шартларига мувофик ижро этилиши шарт.

3.2. Контрактни шартларини бажаришни бир томонлама рад килиш ёки контракт шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл куйилмайди. Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигида ўрнатилган холлар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- Ички танлов ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги;

- Ички танлов ғолиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат кўрсатучи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни хизматлари кўрсатганда, ҳизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Хизмат кўрсатувчи:

-Ички танлов савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича, етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги;

- Ички танлов шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу контракт бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиққан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган вақтдан кучга киради ва 2022 й . "31" декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган хисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Сотувчи»: | «Шухрат Курувучи Нур» ХК | «Сотиб олувчи»: | Пайарик тиббиёт коллежи |
|---|---|---|---|
| Адрес: | Жомбой тумани А.Курбонов МФЙ | Манзил: | Пайарик тумани |
| Х/Р: | 20208000904538576001 | ш/х: | 400910860182247092600054001 |
| Банк: | Тошкент шахар қишлоқ қурилиш банк Амалиёт бошқармаси | ИФУТ: | - |
| МФО: | 01037 | СТИР: | 206932784 |
| ИНН: | 206779286 | Ғазначилик бўлинмаси номи | Пайариқ тумани бўйича Ғазначилиги бўлинмаси |
| ИФУТ: | | Ғазна х/в | 23402000300100001010 |
| | | Банкнинг номи | Марказий банк Тошкент ш ХККМ. |
| | | МФО: | 00014 |
| | | Ғазначилик бўлинмаси СТИР и | 201122919 |
| Раҳбар: | Б.Носиров | Раҳбар: | Ш.Паязов |

Ҳуқуқшунос
Лицензия берилган санаси: 16/10/2001

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Пайарик тиббиет коллежи**
**Директори ____________ Ш.Паязов**

Пайарик тиббиет коллежи биносини жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Пайарик туман «14»ноябр 2022 й.

Раислик қилувчи З.Бобомуратов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ж.Юсупов Комиссия аъзоси,
М.Тошпулатова Комиссия аъзоси,
А.Комилов Комиссия аъзоси,
М.Ядгаров Комиссия аъзоси,

Д.Азимов Котиб, бош хисобчи

**КУН ТАРТИБИ:**

Пайарик тумани тиббиет коллежи биносини жорий таъмирлаш бўйича.

---

Пайарик тиббиет коллежи томонидан 2022 йил 28 октябрдада Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Пайарик тиббиет коллежи биносини жорий тамирлаш бўйича №171078-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 9 ноябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Пайарик тиббиет коллежи биносини жорий тамирлаш баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан «Шухрат қурувчи нур» ХК корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пайарик тиббиет коллежи бош бухгалтери Д.Азимовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 09 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб «Шухрат курувчи нур» ХК корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

З.Бобомуратов

Ж.Юсупов

М.Тошпулатова

А.Комилов

М.Ядгаров